


## ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси Сув  
хўжалиги вазирлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши раиси

 Л.Мухаммадназаров

2024 йил 11 январь

### Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

#### БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 1

2024 йил 10 январь

**Йиғилишга раислик қилди:** Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаши раиси*

**Иштирок этдилар:**

Шуҳрат Суюнов- *Кенгаши раиси ўринбосари*  
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат  
бўйича)

#### КУНТАРТИБИ:

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун мўлжалланган иш режаси лойиҳасини муҳокама қилиш.
- Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш, янги аъзоларни қабул қилиш.

Йиғилишини Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш сўз билан очди.

Ўтган 2023 йил 29 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигига қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳа ходимлари олдига кўйилган вазифалар ижросини назорат қилиш масаласи муҳокама қилинди.

Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, катта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув

манбалари йил сайин камайиб бормоқда. Трансчегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Буларнинг тъсирида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга етиши прогноз қилинаяпти.

Лекин шу ҳолатда ҳам сувдан самарасиз фойдаланилаётганини жамоатчиликка етказиш бўйича етарли тарғибот олиб борилмаяпти. “Сув – текин эмас” ғоясини тушунтириш, каналлар ва ички суғориш тармоқларини бетонлаш ишларида сифатни назорат қилиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Л.Мухаммадназаров Жамоатчилик кенгаши олдига муҳим вазифалар қўйилганлиги, шулардан келиб чиқиб, вазирлик фаолиятида очиклик, конунийлик, натижадорлик ва сифатни ўрганиб бориш, раҳбариятга асослантирилган таклифлар бериш зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда кенгаш раиси ўринbosари Ш.Суюнов сўзга чиқиб, Жамоатчилик кенгаши аъзоларини 2024 йил учун мўлжалланган иш режасининг лойиҳаси билан таништириди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низомда кенгаш аъзолари сони чекланмаганлиги кўрсатилган. Кенгаш раиси Л.Мухаммедназаров шу пайтга қадар Жамоатчилик кенгаши 9 кишилик таркибда фаолият юритиб келганлиги, ҳозирги шароит кенгаш таркибини кучайтириш ва аъзолар сонини оширишни тақазо қилаётганлигини таъкидлади.

“Янги Ўзбекистон” газетаси бўлим бошлиғи Улуғмуродов Дилшод Жумабоевич, “Истиқболли авлод” Республика ижтимоий-ахборот марказини Наманган бўлимини директори Нуритдинова Рано Абдуганиевна, “Platina.uz” сайти журналисти Сайдасқаров Абулфайз Сайдхўшим ўғли, “Дарё.уз” сайти бош муҳаррири Ахмад Юсупов, Экожурналист, филология фанлари доктори (DSc). профессор, Ekolog.uz сайтининг бош муҳаррири, “Ekolog” жамоат бирлашмасининг раҳбари Наргис Қосимова, “Ўзбекистон 24” телеканали катта муҳаррири Олима Хамроева, Жамоатчилик фаоли, профессор Фиёс Раҳимов, ТИҚҲММИ Миллий тадқиқот университети “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси Маматов Собитжон Алижоновичларнинг номзоди таклиф этилди.

Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов, Т.Долиев, М.Икромова сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирилар.

### **Йиғилиш қарор қилди:**

1. Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун мўлжалланган иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янгилangan таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. “Сув – текин эмас” ғоясими тушунтириш, каналлар ва ички сугориш тармоқларини бетонлаштириш сифати бўйича кенг кўламли тарғибот тадбирлари ОАВни жалб этган ҳолда изчил давом эттирилсин. Бу вазифа кенгаш раиси ўринбосари, Ахборот хизмати бошлиги Ш.Суюновга юклатилсин.

4. Куйи тизим ташкилотларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти ўрганиб чиқилиб, раҳбариятга таҳлилий маълумот киритилсин. Бу вазифа Стратегик режалаштириш ва методология бўлими бошлиги Х.Лапасовга топширилсин.

*Йигилиши баённомасини*

*расмийлаштириди:*

Кенгаш котиби



У.Эрназарова